

Аллоҳнинг Расулини қандай кутиб оламиз?



14:08 / 04.11.2019 3185

Биз мусулмонлар Робиул аввал ойини ўзгача иштиёқ ва соғинч билан йил бўйи кутамиз. Чунки, бу ойда Ҳабибимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топганлар. Бу муборак ой кириши билан Ул зотга саловат айтишни кўпайтирамиз, ҳаёт йўлларини ўрганамиз ва мусобақалашамиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу барокотли ойни муносиб кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Келинг, шу ўринда бизларга ҳар жабҳада ўрнатилган саҳобийлар ҳаётидан бир лавҳани ўрганайликда, бундан ўзимизга хос гўзал намуна олайлик.

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу:

Асл исмлари Холид ибн Зайд ибн Кулайб бўлган бу саҳобий бошқа саҳобийлардан бир ҳодиса тўғрисида айтишга турар эдилар.

“Нубувватнинг ўн учинчи йили Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз дўстлари Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан бирга Маккадан Мадина томон ҳижрат сафарига йўл олдилар. Бундан хабар топган Мадина мусулмонлари ўзида йўқ хурсанд ва ҳамма Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам келишларига тайёргарлик кўрар, бутун шаҳар ўз Саййиди учун безанар эди. Ҳар куни барча мусулмонлар тўпланиб ул зотни қаршилаш учун тайёр ҳолда туришарди. Мана шундай интизорли кунларнинг бирида узоқдан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам туяга минган ҳолда кўрина бошладилар. Барча ўзида йўқ хурсанд, ҳамма ул зотни тезроқ муборак юзларини кўришга муштоқ эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шаҳар сари яқинлашиб борар эканлар Мадинадаги обрўли кишилар ул зотни қаршилаб ўз уйлари томон туя жоловини торта бошладилар. Шунда, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Уни тек қўйинглар, у (Роббиси томонидан) буюрилгандир» дердилар.

Шу залда туя Мадина кўчаларидан бирма-бир ўта бошлади. Туя ортидан мунгли қалб ила кўз ёшли хонадонларни қолдирар лекин, айна вақтда кейинги хонадон соҳибларига ўзгача сурур ва умид бағишлар эди. Хўш, бугун ким икки дунё сарвари Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни ўз уйига олиб киради. Барча бундай улкан насиба кимга бўлишини билиш учун туя ортидан эргашди.

Туя Аллоҳ таолонинг изни ила тўхтади, ерга чўкди. Барча бу юксак мартаба кимга насиб қилганини тезроқ билгиси келарди. Бу ер Абу Айюб хонадони яқинидаги майдонча эди. Шу пайт Абу Айюб Ал-Ансорий Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам томон шошилди ва ўз хонадонига таклиф қилди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг юкларини худди дунёнинг барча бойликларини қўлга киритгадек кўтариб уйи томон юзланди.

Абу Айюб хонадони икки қаватли бўлиб иккинчи қаватини Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам учун бўшатиб берди. Лекин, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам пастки қаватда истиқомат қилишни афзал кўрдилар. Абу Айюб ҳам дарҳол «Хўп бўлади» - дея ўзи ва аёли Умму Айюб билан иккинчи қаватга жойлашди.

Кеч тушгач Абу Айюб ва Умму Айюб юқорига кўтарилишди. Хонага кириб эшик ёпилгач Абу Айюб аёлига айтди:

-Ҳолингга вой бўлсин! Биз нима қилиб қўйдик ўзи! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам биздан пастдаку, биз эса ул зотдан юқорида бўламизми?!

Набий ва ваҳий орасида бўламизми?! Ундай бўлса ҳалок бўлувчиларданмиз!

Эр-хотин нима қилишларини билмай надомат чекиб туриб қолишди. Охир оқибат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жуссалари устига тўғри келиб қолмайдиган тарзда хона бурчагига жойлашишди ва фақат хонанинг чекка қирғоқларидангина юришди.

Тонг отгач Абу Айюб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтди:

- Аллоҳга қасамки бу кеча мен ҳам Умму Айюб ҳам ухламадик!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ажабланиб: «Нима сабабдан эй Абу Айюб?», - дедилар.

Абу Айюб эса: «Мен уйни тепасида, сиз эса пастда эканингиз ва мен бирор ҳаракат қилсам сизга юқоридан чангу ғуборлар тушиб сизга озор беришини ўйладим. Сўнг, яна мен Набий ва ваҳий ўртасида туриб қолганимни эсладим», - дея жавоб берди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар ул зотни зиёратига кўп келгани боис пастки қаватни танлаганликларини айтиб «Ўзинга раҳм қил! Эй, Абу Айюб!», - дедилар.

Абу Айюб кейинчалик бу воқеани эслаб айтади:

Расулуллоҳ айтганларига мувофиқ яшай бошладим. Бу ҳолат то бир ҳодиса юз бермагунигача давом этди:

Совуқ тунларнинг бирида хонамизда суви бор кўза синиб қолди. Мен ва Умму Айюб қарасак қўлимизда кечаси устимизга ёпадиган бир дона чойшабдан ўзга нарса йўқ. Сув Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб озор беришидан ва безовта бўлишларидан хавфсираб ўша чойшаб билан сувни шимдириб олдик.

Тонг отгач, Расулуллоҳга тунда бўлган ҳодисани айтиб «Ота онам сизга фидо бўлсин! Мен сиздан баландда, сиз эса мендан пастда бўлишингизни ёмон кўраман!», - дедим.

Ул зот менга розилик билдириб юқори хонага кўчиб ўтдилар».

Бу воқеа ана шундай бўлган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Айюб хонадонида етти ой истиқомат қилдилар. Етти ой мобайнида Абу

Айюб хонадони башариятнинг энг афзали Набийларнинг сўнгиси - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан зийнатланди ва шарафланди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Абу Айюбни жуда яхши кўриб қолдилар ва ҳар сафар унинг уйи ёнидан ўтганларида худди ўз уйларига қарагандек кўринар эдилар.

Энди бир савол пайдо бўлади «Биз ҳам Абу Айюбдек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳрларини қозониш учун нима қилсак бўлади? Ахир, биз Расулуллоҳга ўз уйимизни бўшатиб беролмаймиз, асри саодатда эмасмизку!», деган савол туғилади кишида.

Бунга жавобан биргина сўз айтамыз: «Қалб қасрингиздаги энг мўътабар ва энг азиз хонани топинг, қарангчи унда нималар ёки кимлар бор?!

Чиқаринг! Унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатини жойлаштиринг!

Бўшатиинг! Унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун муносиб бўлиш иштиёқини олиб кириинг!

Эсда тутинг! У хона қалбингиздаги шундай бир хона бўлсинки, унга бошқа хоналарнинг ҳатто чанги ҳам зарар бера олмасин!

Унутманг! Аллоҳ таоло Қурони Каримда қуйидагича марҳамат қилган:

و مَكْبُونٌ ذَمُّكَ لِرَفْعِي وَ هَلْ لَمْ كَبَّبْ حِي يَنْوَعِبَاتِ اف هَلْ لَنْوَبِحْتِ مَتْنِكْ نِ لِق
مِي حِر رَوْفِغْ هَلْ ل

Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади», деб айт. *(Оли Имрон сураси, 31-оят)*

Аллоҳ таоло бирор бандани ўз муҳаббатига сабабчи қилиб боғламаган илло Ҳабибимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан мустаснодирлар. Сиз бу муҳаббатни қалбингизга жойлаштириб Роббингиз севгисига ҳам эришасиз!

Аллоҳ таоло барчамизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам севгиси орқали Ўзининг муҳаббатига эришишимизни насиб қилсин!

Солиҳов Дилшод